

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Руйхатга олинди:  
№БД 5510300-2.32  
2021 йил “4” июн

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

121-соши буйруқ  
2021 йил “4” июн



## ЭПИДЕМИОЛОГИЯ МОДУЛ ДАСТУРИ

**Билим соҳаси:** 500000 Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

**Таълим соҳаси:** 510000 Соғлиқни сақлаш

**Таълим йўналишлари:** 5510300 Тиббий профилактика иши

Тошкент – 2021

## **Тузувчилар:**

**Г.С.Матназарова**

- ТТА Эпидемиология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори.

**Д.А.Касимова**

- ТТА Эпидемиология доценти, т.ф.н.

**А.Ю.Мустанов**

- ТТА Эпидемиология кафедраси катта ўқитувчиси

**Н.Ў.Неъматова**

- ТТА Эпидемиология кафедраси асистенти

## **Тақризчилар:**

**Г.Т.Искандарова**

- Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, эпидемиология кафедраси мудири, т.ф.д., профессор.

**М.Ф.Абдуқаххарова**

- ТТА эпидемиология кафедраси доценти.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилган.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академияси кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2021 йил “26” майдаги “12”-сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил “13” апрелдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил “4” июндаги 121-сонли буйруғининг 1-иловаси билан модул дастури рўйҳати тасдиқланган.

## **1. Ўқув модулининг долзарблиги ва олий таълимдаги ўрни.**

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалавриат таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Эпидемиология модули тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларига жамоат саломатлигини сақлашда касалликлар профилактикаси, тўғри овқатланиш ва жисмоний фаолликни оширишни тизимли ташкил этиш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, яъни касалланишларнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилиш, эрта аниқлаш, мақсадида қўллай олиш учун зарур бўлган билимларни эгаллаб олишга имконият яратади, ҳамда бўлғуси шифокорларда ахолига эпидемиологик ёрдам кўрсатишни ташкиллаштиришни учун замин яратиб беради. Дастурнинг мақсад ва вазифаларини ечими якунида талаба горзонтал ва вертикал интеграция жараёнларида олган билим ва амалий қўникмаларни уйғунлаштириб, етук, рақобатбардош, мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган умумий амалиёт шифокори бўлиб шаклланади.

Мазкур модул ўқув режадаги тиббий биология ва генетика, одам анатомияси, нормал физиология, биоорганик, биоанорганик ва биологик кимё, микробиология, умумий гигиена ва юқумли касалликлар модулларидан ўзлаштирилган билимларга асосланиб, талабаларда эпидемиологик фикрлашни шакллантириш орқали, ахолини эпидемиялардан муҳофаза қилиш эпидемиологик назорат қилишга ўргатади.

## **2. Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари**

**2.1. Модулнинг мақсади:** муайян жараёнда юқумли касалликларнинг эпидемиологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда энг самарали чора-тадбирларни тўғри танлаш, ҳамда ўтказилаётган профилактик чора-тадбирларнининг самарадорлигини баҳоловчи мезонлар билан таъминлаш бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантиришдан иборат.

### **2. Модулнинг вазифалари:**

- умумий эпидемиология модулнинг асосий томойилларини;
- энг кенг қўлланиладиган чора-тадбирлар;
- муайян қулланган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва ҳавфсизлиги баҳолаш учун керакли текширувлар мажмuinи танлаш ва олинган натижаларни таҳлил қилишни;
- бир қатор ички ва ташқи омилларни хисобга олган ҳолда профилактик чора-тадбирлар белгилашни, ҳавфли омилларнинг ножӯя таъсирларини олдиндан била олиш, уларни аниқлаш, олдини олиш ва юзага келган ножӯя таъсирларни бартараф этишни;

- турли юқумли касалликларда эпидемик жараёнининг муҳим хусусиятларини очиб беришга ҳисса қўшадиган юқумли касалликларни санитария-эпидемиология назорати худудий-омил концепцияларини ишлаб чиқиши ва ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишни ўргатиш;
- Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинида умумий амалиёт шифокори квалификацион характеристикасига, “Тиббий профилактика иши” ихтисослиги талабларига жавоб берувчи мутахассислик тайёрлашдан иборат.

### **2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

#### **6-семестр якунида:**

##### **Талаба:**

“Эпидемиология модули” ўқув модулинини ўзлаштириш жараёнида:

- эпидемиологнинг касбий вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишга қодир бўлган касбий ваколатларини шакллантириш.
- эпидемиологик фикрлаш тафаккурига эга бўлган, мураккаб эпидемиологик вазиятларни яхши биладиган, турдош модуллар бўйича чуқур билимга эга бўлган эпидемиолог шифокорларни шакллантириш.
- эпидемик ўчоқларини эпидемиологик текширувани ўтказишга қодир бўлган мустақил профессионал эпидемиологик диагностика фаолиятига мутахассис тайёрлаш.
- эпидемиологик ёрдамни тўлиқ ҳажмда тақдим эта оладиган, эпидемия ўчоқларида, шу жумладан экстремал ҳолатларда профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказа оладиган мутахассисни тайёрлаш.
- эпидемиологик назорат ҳақида **тасаввурга эга бўлиш**;
- эпидемиологик, профилактик ва касбий вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга қодир бўлган мутахассисни тайёрлаш.
- шошилинч тиббий ёрдам қўрсатишни ўз ичига олган ёндош клиник модуллар бўйича кўникма ва врачлик муолажаларини ўзлаштира олган мутахассис-шифокорни тайёрлаш.
- врач-эпидемиологга соғлиқни сақлаш, суғурта тиббиёти, тиббий психология, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва иқтисодиёти муаммолари бўйича эркин фикирлашига ва ҳаракатланишига имкон берадиган умумий ва маҳсус билимлар, кўникмалар тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича **билиши ва улардан фойдалана олиши керак**;

- Юқумли касалликларда роспектив эпидемиологик таҳлил анамизни йиғиш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш;
- Касалланишнинг кўп йиллик динамикаси таҳлили қилиш самарадорлиги ва ҳавфсизлигини баҳолашнинг ишонарли ва қулай усусларини танлашни ва уларни амалга оширишни, олинган натижаларни таҳлил қилиш;
- шошилинч аралашувни талаб қиласиган ҳолатларда тиббий-профилактик ёрдам кўрсатишда иштирок этиш, ўз вақтида аниқлаш ва уларни коррекция қилишни;
- профилактик тиббий кўриклар, диспансеризация, диспансер кузатув ва тиббий назорат ўтказишда ёрдам кўрсатиш;
- долалотнома ёза олиш;
- самарали ва ҳавфсиз эмлаш ўтказиш мақсадида вакцина воситасини танлаш алгоритмини тузишни ва эмлаш ўтказиш тартибини белгилаш;
- фаолият юритаётган даволаш-профилактик муассасанинг ишини ташкил этиш, алоҳида эпидемиологик ва юқумли касалликлар бўлимлари, хоналари (кабинетлари) ва лабораториялар ишида ўзаро ҳамкорлик қилиш, аҳолини диспансеризацияси ўтказилишини ташкил этишни баҳолаш;
- кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш мақсадида клиник аудит ўтказиш **малакаларига (шу жумладан амалий қўникмаларига)** эга бўлиши керак.

#### **8-семестр якунида:**

- ич терлама, дизентерия, салмонеллёз, вирусли гепатитлар, безгак, вабо ва бошқа касалликлар билан оғриб ўтганлар устидан диспансер назоратини ўрнатиш қоидалари бўйича **тасаввурга эга бўлиши;**
- юқумли ва паразитар касалликларда эпидемиологик назоратнинг назарий, услубий ва ташкилий асослари бўйича, қонуний-меъорий ҳужжатлари таҳлили қилишни **билиши ва улардан фойдалана олиши керак;**
- ичак гуруҳи инфекциялари, нафас йўллари ва бошқа гуруҳ касалликлари ўчиқларида эпидемик жараён намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари бўйича **малакаларига (шу жумладан амалий қўникмаларига)** эга бўлиши керак.

#### **10-семестр якунида:**

- эпидемияга қарши алоҳида чора-тадбирларни ва улар мажмуасини потенсиал ва аниқ самарадорлигини, шунингдек, эпидемияга қарши ишларни сифат ва самарадорлигини баҳолаш бўйича **тасаввурга эга бўлиши;**
- зооноз касалликлар бўйича носоғлом чорвачилик хўжаликларини

- текшириш ва далолатномаларни тузишни **билишии ва улардан фойдалана олиши керак;**
- Химоя кийим бош (ўлатга қарши кийим) йифмаларини (тўпламларини) кийиш ва эчиш тартиб қоидалари бўйича **малакаларига (шу жумладан амалий кўникмаларига)** эга бўлиши керак.

### 3. Асосий қисм

**3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

**6-семестр:**

**1-мавзу.** Эпидемиологиянинг таърифи ва қисқача тарихи. Эпидемиология модули, тиббиёт модуллари орасида ҳамда тиббий таълим ва амалий соғлиқни сақлашдаги ўрни. Эпидемик жараён тўғрисидаги таълимот. Эпидемик жараён ривожланиш механизми: Юқумли касалликларнинг юқиши механизими ва табий ўчоқлилик назариялари. Эпидемиологиянинг предмети мунозарали масала ҳисобланади. Илгари эпидемиология предмети деганда ҳар қандай оммавий касалликлар – эпидемияларни ўрганадиган модул тушунилган. Дастрлабки таърифда билимлар етишмаганлигидан касалликнинг табиати тўғрисида хулоса чиқариш жуда қийин бўлган. Асосан, инфекцион касалликлар эпидемияси кузатилиб, амалда эса ҳар қандай оммавий касалликлар назарда тутилган эди.

**2-мавзу. Паразитар тизимнинг ўзини-ўзи бошқариш назарияси. Юқумли касалликларда иммунопрофилактиканинг аҳамияти. Профилактик эмлаш тизимида узлуксиз совуқлик занжири ва логистик асослари. Миллий эмлаш календари.** Махсус профилактика – айрим кишиларда сунъий иммунитет ёки аҳоли орасида популацион иммунитет пайдо қилиш, лекин бу вазифалар аксарият параллел ҳал қилинади. Фаол ва пассив сунъий иммунитет фарқ қилинади. Махсус профилактика асосида организмга кирадиган паразит билан кураша оладиган организмда рўй берадиган табиий жараёнларни сунъий ҳолда вужудга келтиришга интилиш ётади.

**3-мавзу. Дезинфекция, дезинсекция, дератизация, ва стерилизация усуллари ва воситалари. Аҳоли орасида дезинфекция ҳизматини ташкиллаштириш. Дезинфекция бўлимининг структураси ва иш фаолияти.** Профилактик дезинфекция – инфекциянинг топилган манбалари бўлмагани ҳолда борлиги тахмин қилинганда ўтказилади. Уни даволаш-профилактика муассасаларида, болалар муассасаларида, умумий фойдаланиладиган жойларда ва ишлаб чиқариш объектларида, ҳамомлар,

сартарошхоналарда ва бошқа жойларда ўтказилади.

#### **7-8 семестр:**

**1-мавзу. Фекал–орал мәханизм билан юқадиган юқумли касалликларнинг тавсифи. Ичак инфекцияларининг таснифи ва ўзига хос хусусиятлари. Ич терлама, паратиф А и В этиологияси, эпидемиологияси. Ич терламада эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва ўтказиш.** Республикамда охирги 20 йилда қорин тифи ва паратиф касал-ликлари камайганлиги кузатилади. Қорин тифи билан касапланиш кўрсаткичлари 2 марта камайгаи. Беморлар қўзғатувчиларни бутун касаллик даврида ажратадилар, айниқса, дастлабки 2-3 ҳафтада кўп ажралади, температура пасайгач, яъни 14 кунлардан кейин бактерия ажратиш тўхгайди.

#### **2-мавзу. Сальмонеллезлар эпидемиологияси, профилактикаси.**

**Сальмонеллёз касалликлари устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш.** Сальмонеллеёзлар - ичак гурӯҳи инфекцияларидан бўлиб, бу касалликни сальмонелла номи билан аталувчи бактериялар келтириб чиқаради. Касаллик ҳар хил белгилар билан кечади, касалланиш спорадик ҳолда, баъзида эпидемик авж олишлар тарзида намоён бўлади.

#### **3-мавзу. Вирусли гепатитлар таснифи. Гепатит А ва Е эпидемиологияси ва профилактикаси. Гепатит В, С, Д эпидемиологияси ва профилактикаси.**

**В, С, Д касалликларни устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш.** Гепатит А юқумли сариқ касаллиги бўлиб қадим замонлардан ўрганиб келинмоқда. А гепатити юқумли ичак инфекциялари гурӯхига кирадиган антропоноз, фекал-орал мәханизм билан юқадиган кенг тарқалган вирусли касалликдир. Вирусли гепатит “В”, “С”, “Д” турлари заарланган қон ва қон ўрнини босувчи суюқликларни соғлом одамга қўйганда қон орқали заарланган шприцларни қайта ишлатишганда, стоматологик ва жарроҳлик асбобларини стерилламай ишлатилганда, сартарошхоналарда сочсоқол олишда ишлатиладиган сартарошлик асбобларини заарсизлантирумасдан мижозларга ишлатганда.

**4-мавзу. Полиомиелит эпидемиологияси ва профилактикаси. Полиомиелит касаллиги устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш.** Бу касаллик одамзотга бизнинг эрамиздан бир неча йил илгари маълум бўлган. Ўзбекистонда полиомиелитнинг охирги эпидемик авж олиши 1958-1960 йиллари кузатилган бўлиб, кейинги йилларда касалланиш кўрсаткичи 1990 йилларгача камайиб борган.

#### **5-мавзу. Вабонинг эпидемиологияси ва профилактикаси. Вабода**

**эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва ўтказиш. Вабо касаллиги учогида эпидемияга қарши тадбирларни ташкиллаштириш. Вабо бемори аниқланганда участка шифокорининг вазифалари.** Вабо–антропоноз инфекция, шунинг учун ҳам касаллик қўзғатувчиснинг манбаи ҳар хил клиник шаклдаги bemorlar ва vibriyon tashuvchi odamlardir. Вабо барча жойда бир хилда тарқалмаган.

**6-мавзу. Паразит касалликларининг эпидемиологияси ва профилактикаси.** Паразит касалликларида эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш. Дунё бўйичава Ўзбекистонда паразиткасалликлар тарқалишининг замонавий хусусиятлари. Паразитизм (юонча parasitos — текинхур, камтовок) — кар хил турга мансуб организмлар ўртасидаги узаро муносабат усулларидан бири. Бунда организмларидан бири (паразит) иккинчиси (хужайин) — дан яшаш мухити ва озика манбаи сифатида фойдаланиб, унга зарап етказади.

**7-мавзу. Биогельминтозлар, геогельминтозларнинг эпидемиологияси ва профилактикаси.** Одам ва ҳайвонларнинг аъзо ва тўқималари ҳисобига яшовчи майда чувалчанглар – гижжалар (гельминтлар), улар келтириб чиқарадиган касалликлар гельминтозлар дейилади. Инсониятга гельминтозлар жуда қадим замонлардан маълум бўлиб, улар барча паразитар касалликларнинг 90 фоизни ташкил қиласди.

#### **9-10 семестр:**

**1-мавзу. Нафас йули инфекциялариниг умумий эпидемиологик таснифи. Грипп, УРВИ ва атипик пневмония эпидемиологияси ва профилактикаси.** Нафас йўллари касалликлари бактериал (дифтерия қоқшол, стрептококкли, менингококкли ва гемофил инфексияли, туберкулёз) ва вирусли (ОРВИ, паротит, қизилча, қизамиқ ва инфекцион мононуклеозларни) ўз ичига олади.

**2-мавзу. Короновирус инфекциялари эпидемиологияси ва профилактикаси.** Короновирус инфекциялари кўпроқ юқори нафас йўлларида касаллик чақиради (ринит). Касаллик енгил, ўртacha ва оғир шаклларда кечиб, бу касаллик билан катталар ва болалар касалланадилар. Короновируслар - булар ҳайвонлар ва қушлар паразити ҳисобланади.

**3-мавзу. Дифтерия эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.** Дифтерия – ўткир юқумли бактериал инфекция бўлиб, нафас йўлининг юқори бўлимларида (бурун, оғиз-ютқун, хиқилдок) фибриноз яллиғланиш, кўпинча тўқималар шиши, шунингдек умумий интоксикация, аксарият юрак қон томирлар, асад ва сийдик ажратиш тизимларининг шикастланишига олиб келади. Беморлар пайдо бўлганда уларни алоҳидалаш ва шифохонага ётқизиш зарур. Ўчоқда жорий ва якуний дезинфекция ўтказилади.

**4-мавзу. Қизамиқ, қызилча эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назоратини ташкиллаштириш.** Қизамиқ - ўткир юқумли касаллик бўлиб, умумий интоксикация, юқори нафас йўлларининг катарал яллиғланиши, танага папулёз - доғли тошмалар тошиши билан ҳарактерланади.

**5-мавзу. Эпидемик паротит эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.** Эпидемик паротит -антропоноз, ягона инфекция манбаи бу бемор одам. Юқумлилик даври яширин даврнинг охирги кунларидан бошланиб сўлак безларида яллиғланиш жараёни тугагунча давом этади. Бемор атрофдагиларга продромал даврда ва касалликнинг дастлабки 5-6 кунларида хавфли ҳисобланади.

**6-мавзу. Менингококкли инфекциялар эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.** Менингококкли инфекция - турли клиник шакллар билан кечадиган ва менингококклар (*Neisseria meningitidis*) чақирадиган юқумли касаллик. Инфекциянинг асосий шакли бактерия ташувчилик ҳисобланади.

**7-мавзу. Кўк йўтал эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.** Кўк йўтал - ўткир антропоноз бактерияли инфекция бўлиб, хуружсимон спазматик йўтал ва юқори нафас йўллари катарал яллиғланиш билан кечади.

**8-мавзу. Нозокомиал инфекциялар эпидемиологияси. Жарроҳлик бўлимида учрайдиган касалхона ичи инфекциялари эпидемиологияси.** Госпитал инфекциялар таърифи. Касалхона ичи инфекциясида (КИИ) инфекция манбайнинг асосий тоифалари bemorlar (гоҳида – bemorlarни парвариш қилувчилар, улардан хабар олувчилар), ташқи муҳит обьектлари ва тиббий ходимлардир.

**9-мавзу. Сил касаллиги эпидемиологияси ва профилактикаси ва эпидемиологик назорати.** Ўпкадаги фаол сил жараёни ҳамиша қўзғатувчи ажralиши билан ўтади. Ажralиб чиқадиган микобактериялар сони касалликнинг кечиш босқичи ва ўпка тўқимаси шикастланишининг катта-кичиклигига боғлиқ ҳолда кескин ўзгариб туради.

**10-мавзу. Ижтимоий муҳим, жинсий йул орқали юқувчи юқумли касалликларнинг эпидемиологияси ва профилактикаси.** Захм-Treponema pallidum чақирадиган сурункали кечувчи юқумли касаллик бўлиб, тери, шиллик қаватлар, ички аъзолар, суюк ва асад тизимининг заарла-ниши билан ҳарактерланади, касаллик хуружлари тез-тез қайталаниб туради.

**11-мавзу. Юқумли касалликлар ретроспектив эпидемиологик таҳлили.** РЭТга таъриф. РЭТ схемаси. Аҳоли орасидаги касалланишларнинг

кўп йиллик ва йиллик динамикаси таҳлили. Аҳолининг ижтимоий қатламлари ва ёшлари бўйича касалланиш даражаси, кўп йиллик ва йиллик динамикаси таҳлили.

**12-мавзу. Оператив эпидемиологик таҳлили.** Оператив таҳлил, ретроспектив таҳлил умумий эпидемиологик баҳолашни ҳисобга олиб амалга оширилади. Ўчоқларни эпидемиологик текшириш органик жиҳатдан оператив таҳлил таркибига киради, номидан кўриниб турганидек, эпидемик шароитни доимий узлуксиз кузатиб боришни кўзда тутади

**13-мавзу. Зооноз инфекциялар таснифи. Қутуриш, қораоқсоқ, куйдирги касаллиги эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.** Эпидемиологияси, эпизоотологияси, юқиши йўллари, касаллик манбаи, юқтириш омиллари. Эпизоотик жараённи намоён бўлиши ва юқиши механизмини ривожланиши. Одамларга касалликнинг юқиши йўллари.

**14-мавзу. Тошмали тиф, КУ-иситмасининг эпидемиологияси, профилактикаси эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш.** Тошмали тиф бемор кишидан соғлом кишига кийим бити орқали юқади. Касалликнинг тарқалишида кийим битидан ташқари, бош бити ҳам оз бўлсада эпидемиологик аҳамиятга эга. Ку-иситмаси (коксиеллез) коксиеллалар келтириб чиқарадиган, полиморф клиникиали, табиий ўчоқли, зооноз, юқиши йўллари хилма-хиллиги билан характерланади.

**15-мавзу. Ўзбекистонда ОИВ-инфекциясининг профилактикаси ва эпидемиологик назоратини ташкиллаштириш.** ОИВ-инфекцияси – “Одам иммун танқислиги вирусли инфекциясидир” ОИВ-антропоноз юқумли касаллик бўлиб одам иммун тизимининг шикастланиши билан характерланади.

**16-мавзу. Ўлат касаллиги эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.** Карантин ва ўта хавфли инфекциялар (ЎҲИ) тушунчаси таърифи. Карантин ва ўта хавфли инфекциялар тўғрисидаги замонавий тассавур. Карантин ва ўта хавфли инфекцияларнинг чет давлатлардан олиб келиниши йўллари.

**17-мавзу. Геммораг иситмаси эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.** Геморрагик иситмаси – буниамвирус гурӯхига кирувчи қрим геморрагик иситмаси Конго вируси чақирадиган касалликдир. Касаллик оғир геморрагик диатез бўлиши ва ўлим кўрсаткичинин юқорилиги билан характерланади.

**3.2. Модулдаги амалий машгүлотлари мавзулари, ташкил этиши бўйича умумий курсатма ва тавсиялар:**

**3.2.1. Амалий машгүлотларининг мавзулар рўйхати:**

**6-семестр:**

**1-мавзу.** Эпидемиологиянинг таърифи ва қисқача тарихи. Эпидемиология модули, тиббиёт модуллари орасида ҳамда тиббий таълим ва амалий соғлиқни саклашдаги ўрни.

**2-мавзу.** Эпидемиологик текшириш усулларининг эволюцияси. Эпидемиологик усулнинг ҳозирги замондаги тавсифи. Эпидемик ўчоқларни эпидемиологик текшириш усули.

**3-мавзу.** Эпидемик жараённинг таърифи. Паразитлар тавсифи. Макроорганизм (хўжайин) тавсифи. Эпидемик жарраённинг таркибий қисмлари. Инфекция манбаи, юқиш механизми, мойил жамоа ҳақида тушунча.

**4-мавзу.** Юқумли касалликларнинг эпидемиологик таснифи. Ҳайвонлар ва касаллик чақиравчи қўзғатувчиларни тарқатувчи бўғим оёқлиларнинг эпидемиологик аҳамияти (чивинлар, майда ҳашоратлар гуруҳи, битлар, бургалар ва каналар). Табиий ўчоқли касалликларнинг эпидемиологик аҳамияти.

**5-мавзу.** Эпидемияга қарши чора-тадбирлар тизими. Профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар, антропоноз, зооноз ва сапроноз касалликларида (инфекция манбаига, юқиш йўлларига ва мойил жамоага) қарши чора-тадбирлар. Юқумли касалликлар кабинетининг иш фаолияти билан танишиш.

**6-мавзу.** Дезинфекция, дезинсекция, дератизация, ва стерилизация усуслари ва воситалари. Аҳоли орасида дезинфекция ҳизматини ташкиллаштириш. Дезинфекция бўлимининг структураси ва иш фаолияти. Дезинфекция, дезинсекция, дератизация ва стерилизациянинг юқумли касалликлар профилактикасида тутган ўрни.

**7-мавзу.** Иммунопрофилактика. Махсус ва тезкор профилактик эмлаш воситалари. Юқумли касалликларда иммунопрофилактиканинг аҳамияти. Профилактик эмлаш тизимида узлуксиз совуқлик занжири ва логистик асослари. Миллий эмлаш календари.

**8-мавзу.** Касалланиш динамикаси таҳлили. Ҳудудлар бўйича таҳлил. Касалланганлар таркибининг таҳлили ва хавфли гуруҳларни аниқлаш. Эҳтимол тутилган хавф омиллари тўғрисидаги фаразнинг шаклланиши. Таҳлилий босқич. Расмий-мантиқ услублари. Биостатистика услублари. Когорт текширишлар.

## **7-8 семестр:**

**1-мавзу.** Фекал –орал механизм билан юқадиган юқумли касалликларнинг тавсифи. Ичак инфекцияларининг таснифи ва ўзига хос хос хусусиятлари. Ичак гурухи инфекцияларида эпидемиологик назоратини ташкиллаштириш.

**2-мавзу.** Ич терлама, паратиф А и В этиологияси , эпидемиологияси. Ич терламада ва бактерия ташувчиликда эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва ўтқазиш, умумий овқатланиш корхоналарида ишловчиларга нисбатан ўтказиладиган чора -тадбирлар.

**3-мавзу.** Сальмонеллезлар эпидемиологияси ва профилактикаси. Сальмонеллөз касалликлари устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш

**4-мавзу.** Шигеллезлар эпидемиологияси ва профилактикаси. Шигеллөз касалликлари устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш

**5-мавзу.** Эшерихиозлар эпидемиологияси ва профилактикаси

**6-мавзу.** Энтеровирус инфекцияларининг эпидемиологияси ва профилактикаси.

**7-мавзу.**Полиомиелит эпидемиологияси ва профилактикаси. Полиомиелит касаллиги устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш.

**8-мавзу.**Вирусли гепатитлар таснифи. Гепатит А ва Е эпидемиологияси ва профилактикаси.

**9-мавзу.** Гепатит В, С, Д эпидемиологияси ва профилактикаси. В,С, Д касалликларни устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш

**10-мавзу.** Карантин ва ўта хавфли карантин инфекциялар профилактика марказида эпидемияга қарши чора-тадбирлар.

**11-мавзу.**Вабо касаллиги ўчоғида эпидемияга қарши тадбирларни ташкиллаштириш. Вабо бемори аниқланганда участка шифокорининг вазифалари.

**12-мавзу.**Вабо касаллиги ўчоғида эпидемияга қарши тадбирларни ташкиллаштириш. Вабо бемори аниқланганда участка шифокорининг вазифалари.

## **8-семестр:**

**13-мавзу.** Сапронозлар касалликларининг умумий тавсифи.

**14-мавзу.** Сохта силнинг эпидемиологияси ва профилактикаси. Ичак иерсиниозлари эпидемиологияси ва профилактикаси.

**15-мавзу.** Паразит касалликларининг эпидемиологияси ва профилактикаси. Паразит касалликларида эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш. Дунё бўйича ва Ўзбекистандан паразитар касалликлар тарқалишининг замонавий хусусиятлари.

**16-мавзу.**Биогелиминтозлар, геогелиминтозлар ва контакт гелминтозларнинг эпидемиологияси ва профилактикаси.

**17-мавзу.** Паразиталогик лаборатория иш режими билан тагишиш. Бактериологик лабораторияни иш режими билан танишиш.

**18-мавзу.** Безгакнинг эпидемиологияси ва профилактикаси. Безгак касаллиги устидан эпидемиологик назоратни ташкиллашиб. Безгакнинг этиологияси, клиникаси, ташҳисоти, “Ўзбекистон Республикасида безгак касаллиги элиминациясининг миллий стратегияси”.

#### **9-10 семестр:**

**1-мавзу.** Ҳаво-томчи механизми билан юқадиган юқумли касалликларнинг умумий тафсифи.

**2-мавзу.** Грипп, УРВИ, атипик пневмония инфекцияларнинг эпидемиологияси ва профилактикаси.

**3-мавзу.** Короновирус инфекциялари профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

**4-мавзу.** Дифтерия эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

**5-мавзу.** Стрептококкли инфекциялар (стрептококкоз). Стептококкли инфекциялар.

**6-мавзу.** Кўк йўтал эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

**7-мавзу.** Стрептококкли инфекциялар (стрептококкоз). Эпидемиологияси, профилактикаси

**8-мавзу.** Қизамиқ эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

**9-мавзу.** Қизилча эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

**10-мавзу.** Менингококкли инфекциялар эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

**11-мавзу.** Эпидемик паротит инфекциясининг эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

**12-мавзу.** Сил касаллиги эпидемиологияси ва профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

**13-мавзу.** Нозокомиал инфекциялар эпидемиологияси. Жаррохлик бўлимида учрайдиган касалхона ичи инфекциялари эпидемиологияси.

#### **10-семестр:**

**15-мавзу.** Юқумли касалликлар устидан эпидемиологик назоратни ташкиллашиб. Эпидемиологик назорат мақсади ва вазифалари.

**16-мавзу.** Юқумли касалликлар ретроспектив эпидемиологик таҳлил (РЭТ).

**17-мавзу.** Касалланишнинг йиллик динамикаси таҳлили.

**18-мавзу.** Аҳоли касалланишининг эпидемиологик белгиларга кўра таҳлили.

**19-мавзу.** РЭТ асосида эпидемияга қарши ва профилактик чора-тадбирларни режалаштириш.

**20-мавзу.** Юқумли касалликлар оператив эпидемиологик таҳлили.

**21-мавзу.** ОИВ/ОИТС инфекцияларнинг эпидемиологияси профилактикаси.

**22-мавзу.** Зооноз инфекциялари умумий таснифи. Уларга қарши чора – тадбирлар.

**23-мавзу.** Қутуриш эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

**24-мавзу.** Қораоқсоқ эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

**25-мавзу.** Куйдирги эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

**26-мавзу.** Ку иситмаси эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

**27-мавзу.** Туляремия эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

**28-мавзу.** Тошмали тиф, Брилл касаллиги эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

**29-мавзу.** Педикулёз ва реккетсиозларга қарши чора- тадбирларни такомиллаштириш

**30-мавзу.** Карантин ва ўта хавфли касалликлар эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назароти.

**31-мавзу.** Ўлат касаллиги эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назароти.

**32-мавзу.** Арбовирусли инфекциялар эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

**33-мавзу.** Гемморагик иситмалар эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назароти.

**34-мавзу.** Лейшманиозлар эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати. Лешманиёз касаллигига эпидемик жараённинг ривожланиш механизми.

### **3.2.2. Амалий машғулоттарини ташикил этиши бүйиче умумий күрсатма ва тавсиялар:**

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гурухга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулотларни ўтказишида қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бүйиче билимларни чукурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишида қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш ва ҳ.к.

### **3.2.3. Модулни ўқитиши давомида эгалланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар:**

Модул давомида талабалар йилик режасини тузা олиши, профилактик чора - тадбирларини ўтказа олиши, диспансеризация ва гурухларига ажратиш, эмлаш режасини тузиш, оператив эпидемиологик таҳлили ўтказиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

#### **Модул давомида эгалланадиган амалий кўникмалар рўйхати:**

Ўқув амалиётни ўтиш даврида талабалар қуйидаги амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган:

#### **6-семестр якунида:**

1. Эпидемик ўчоқقا гидропульт ёрдамида ишлов беришни.
2. Автомакс ёрдамида эпидемиологик ўчоқقا ишлов беришни.
3. Профилактик эмлаш картасини тулдиришни.
4. Инсектицидларни қўлланилишини.
5. Хлораминни ишчи эритмасини тайёрлашни.
6. Бактериологик препаратларни саклашни.

#### **8-семестр якунида:**

1. Вирусли гепатит А ўчоғида якунловчи дезинфекция ўтказиш тартибини.
2. Беззак ташхис қўйишида йўғон томчи ва юпқа суртмаларни тайёрлашни.
3. Вабо билан касалланган bemордан материал йиғишни.
4. Ташки мухит объектларидан суртма олишни.
5. Гельминтозлар ўчоғида профилактик чора-тадбирлар ўтказишни.
6. Контакт гельминтозлар (антропоноз, перорал). Лаборатор ташхисини.

## **10-семестр якунида:**

1. Профилактик чора- тадбирлар режасини ишлаб чиқиши.
2. Эпидемияга қарши чора- тадбирлар режасини ишлаб чиқиши.
3. Карантин инфекцияга гумон қилинган бемор аниқланганда хабар бериш тартибини.
4. Одамларни ҳайвонлар тишлигандан үчокда эпидемиологик текширув олиб бориш ва үчокда эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказиши.
5. Ўлатга қарши кийим-бошни (костюмни) қўллашни.
6. Куйдирги касаллигига шошилинч профилактика ўтказиши.

## **Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:**

УК 1<sup>1</sup>. Абстракт фикр юритиш, ходисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;

УК 2. Дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий билимларнинг асосларидан фойдаланиш қобилияти;

УК 3. Ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш қобилияти, қабул қилинган қарорлар учун ижтимоий ва аҳлоқий жавобгарликни олишга тайёрлик;

УК 4. Ўз-ўзини ривожлантиришга, англашга, ўқишга, ижодий салоҳиятдан фойдаланишга тайкомпеёрлик;

УК 5. Фавқулоддаги вазиятларда биринчи тиббий ёрдам техникасини, химоя усусларини қўллашга тайёрлик;

УК 6. Фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам техникасини, химоя усусларини қўллашга тайёрлик;

УКК 1<sup>2</sup>. Касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот, библиографик манбалар, биотиббиёт терминологияси, ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишга тайёрлик;

УКК 2. Профессионал фаолиятдаги муаммоларни ҳал қилиш учун оғзаки ва ёзма равишда рус ва хорижий тилларда мулоқот қилишга тайёрлик;

УКК 3. Тиббий хужжатларни юритишга тайёргарлик;

УКК 4. Касбий муаммоларни ҳал қилишда дори воситаларини ва уларнинг комбинацияларини тиббий мақсадларда ишлатишга тайёрлик;

УКК 5. Беморларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ва дастлабки тиббий санитар ёрдам кўрсатишни таъминлашга тайёрлик;

УКК 6. Тиббий ёрдам кўрсатишда кўзда тутилган тиббий асбоблардан фойдаланишга тайёрлик.

<sup>1</sup> УК- умумий компетенция

<sup>2</sup> УКК – умумий касбий компетенция

## *Модул давомида ўқув амалиётни ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:*

Талабалари “Эпидемиология” модули бўйича амалиёти таълим жараёнининг 50%ини ташкил қиласди ва амалий машғулотлар Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиология осойиталиги ва жамоат саломатлиги хизмати Тошкент шаҳар поликлиникаларда ва дезинфекция бўлимида ўтказилади.

Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – машғулотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқган ҳолда ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли асбоб-анжомлар ишлаш механизми, ишлатиш қоидалари билан талиштирилади.

Биринчи босқични амалга ошириш учун кафедрада барча асбоб анжомлар мавжуд ва ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

2. Иккинчи босқич – амалий кўникмани намойиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни қадамма қадам алгоритми педагог томонидан ва видеофильмлар орқали намоиш этилади, алгоритм асосида босқичма босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилилади. Талаба амалий кўникмани мустакил, бироқ педагог назорати остида муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенларда, кўп марта машқ қилиб ўрганадилар. Бошида барча босқичларини алоҳида, кейинчалик умумлаштирган ҳолда тўлиқ ва тўғри бажара олгандан сўнг қўллашга руҳсат берилади (имитацион тренинг).

Иккинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар қадамма қадам алгоритми ва видеофильми, ўқув-услубий қўлланмаси, бажариш схемаси ёки техникаси ва ҳ.к., баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Бу босқичда педагог назорат қиласди ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғирлайди. Бу жараёнда талаба ҳаракатлари видеотасвирга олиниб ўзига намойиш этилиши, танқидий муҳокама қилиниши мумкин. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра машинни такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқиша ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма афтоматизм даражасигача етказилиши мақсадга мувофиқ.

3. Учинчи босқич - ўрганилган билим ва амалий кўникмани беморда қўллаш. Бу босқичда талаба ўзлаштирилган билим ва амалий кўникмани турли хил

холатларда (шу жумладан шошилинч ҳолатларда) қўллашга, олинган натижаларни таҳлил қилишга ва шу маълумотлар асосида ҳаракат тактикасини белгилашга педагог назоратида ўргатилади.

Учинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, вазиятли масалалар ва тестлар тўплами, кейслар, протоколлар, профилактик чора-тадбирлар стандартлари, ўргатувчи эпидемиологик харталари ва амбулатор карталар ва х.қ. ишлатилиши лозим. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талabalар нафақат эксперт сифатида чиқишида ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда балки командада ишлашда иштирок этадилар.

4. Тўртинчи босқич – хулоса. Бу босқичда педагог талаба томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани bemорларда, турли хил вазиятларда, фаолият жараёнида тўғри ва тўлиқ қўллай олишига ишонч ҳосил қилиши керак ва шунда амалий кўникма ўзлаштирилди деб ҳисобланади.

Тўртинчи босқични амалга ошириш учун талаба bemор билан мустақил ишлаши педагог томонидан назорат қилинади, тиббий ҳужжатларни, эпидемиологик харталарини ёзиб ҳимоя қилганда баҳоланади.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлигини тасдиқлайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади ва педагогга қайта топширади. Талаба барча амалий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда модулни ўзлаштирган ҳисобланади.

#### **4.Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

##### **4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати:**

###### **6-семестр:**

1. Эпидемиология фани, тиббиёт фанлари орасида ҳамда тиббий таълим ва амалий соғлиқни сақлашдаги ўрни
2. Эпидемиологик текширув усуллари. Эпидемиологик усулининг ҳозирги замондаги тавсифи.
3. Эпидемик жарраён омиллари. Эпидемиологик жараён ривожланиш механизми: Юқумли касалликлар юқиши механизми. Табиий ўчоғлилик назарияси. Паразитар тизимнинг ўз-ўзини бошқариш назарияси.
4. Дезинфекция, дезинсекция, дератизатция, ва стерилизатция усуллари ва воситалари. Аҳоли орасида дезинфекция ҳизматини ташкиллаштириш.

5. Иммунопрофилактика. Махсус ва тезкор профилактик эмлаш воситалари. Юқумли касалликларда иммунопрофилактиканинг ахамияти.

**8-семестр:**

1. Ичак инфекцияларининг таснифи ва ўзига хос хусусиятлари
2. Ич терлама, паратиф А ва В этиологияси, эпидемиологияси.
3. Сальмонеллезлар эпидемиологияси, профилактикаси
4. Вирусли гепатитлар таснифи. Гепатит А ва Е эпидемиологияси ва профилактикаси.
5. Карантин ва ўта хавфли инфекциялар профилактика марказида эпидемияга қарши чора-тадбирлар
6. Вабонинг эпидемиологияси ва профилактикаси. Вабо бемори аникланганда участка шифокорининг вазифалари.
7. Сапронозлар касалликларининг умумий тавсифи.
8. Геогелминтозлар ва контакт гелминтозларнинг эпидемиологияси ва профилактикаси.
9. Биогелиминтозлар. Эхинококк касалигининг эпидемиологияси ва профилактикаси.
10. Безгакнинг эпидемиологияси ва профилактикаси

**10-семестр:**

1. Нафас йўли инфекциялари эпидемиологияси ва профилактикасининг замонавий хусусиятлари.
2. Нафас йўли инфекциялари профилактикасининг асосий йўналишлари (умумий, шахсий ва махсус). COVID-19 инфекцияси ва бошқа инфекциялар мисолида.
3. Нафас йўли инфекциялари билан курашишда иммунопрофилактиканинг ахамияти.
4. Грипп, COVID-19 инфекцияси, вирусли гепатитлар ва ОИВ/ОИТС инфекциялари – XXI аср муаммолари.
5. Даволаш профилактик муассасаларида (ДПМ) юқумли касалликлар билан курашиш, bemorлар ва тиббиёт ходимлари соғлиқларини муҳофаза қилишнинг таркибий қисмидир. COVID-19 инфекцияси ва бошқа инфекциялар мисолида.
6. Даволаш профилактик муассасаларига инфекция олиб киритилишининг йўллари. Госпитал инфекциялар инфекция манбайи, тарқалиш йўллари ва омиллари. Касалхона ичи инфекцияларининг (КИИ) этиологик таркиби.
7. Йирингли септик инфекциялар (ЙСИ) тарқалишида тиббиёт ходимларининг потенциаль роли.

8. Карантин ва ўта хавфли инфекциялар (К ва ЎХИ) билан касалланган бемор аниқланганда ёки гумон қилинганда врач-шифокорнинг бажариши зарур бўлган вазифалари ва мажбуриятлари.
  9. Карантин ва ўта хавфли инфекциялар (К ва ЎХИ) билан касалланган бемор аниқланганда ёки гумон қилинганда зудлик билан хабар бериш тартиби схемаси. К ва ЎХИ эпидемик ўчоғида мулоқатда бўлган шахслар билан ўтказиладиган эпидемияга қарши чора-тадбирлар.
  - 10.Карантин ва ўта хавфли инфекцияларда профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш хусусиятлари.Ўлатга қарши ҳимоя кийимларини кийиш ва ечиш тартиби ва қоидалари.
  - 11.Юқумли касалликларни чегаралаб (чеклаб) қўйиш (локализация) ва бартараф (ликвидация) этиш бўйича чора-тадбирлар мажмуй (комплекс) режасини тузиш.
  - 12.Куйдиргининг ингаляцион касаллик шаклига шубҳа (гумон) қилинган бемор мурожаат қилганида врач-шифокор ва эпидемиологнинг вазифа ва мажбуриятлари. Эпидемиологик текширув алгоритми.
  - 13.Ку иситмаси эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.
  - 14.Туляремия эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.
  - 15.Тошмали тиф, Брилл касаллиги эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.
  - 16.Педикулёз ва реккетсиозларга қарши чора- тадбирларни такомиллаштири.
  - 17.Карантин ва ўта хавфли касалликлар эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назароти.
  - 18.Ўлат касаллиги эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.
  - 19.Арбовирусли инфекциялар эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.
  - 20.Гемморагик иситмалар эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.
